

МАНСУР АЛОВУДДИНОВ

ТЎТИЁ ИСТАБ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007

Неча юз минг йиллар ортида қолганлигини ҳисобга олсак, табаррук заминимизда тавоф қилинмайдиган ернинг ўзи йўқдай. Асрлар оша бизгача етиб келган, кўзимизга тўтиё қилишга арзигулик масканлар тарихи ва келажакка ҳамиша эътибор ва қизиқиш катта.

«Тўтиё истаб» китоби орқали Зарафшон воҳасининг ўрта бўғинида яшаб келган аجدодларимиз ва бугунги кун нафаси билан батафсилроқ танишасиз, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-08-208-3

© Мансур Аловуддинов. «Тўтиё истаб». «Янги аср авлоди»,
2007 йил

МУҚАДДИМА

Боқийлик – халқимизга ато этилган туҳфа. Биз ўтсак яна кимлардир дунёга келади. Киндик қонимиз томган ва бизни кашф этган манзил-макон эса тобора улуғлашиб бораверади. Она табиат олдида биз томчи бўлсак-да, миллат аталмиш бир дарё билан бирга оқиб келяпмиз. Орзу-ҳавасларимиз, ҳаракатларимиз ана шу майдонда камолот юзини кўраётир. Шундай экан, Ватан ичра ватан бўлган қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран ҳис қилиб яшашимиз лозим. Қадрдон тупроққа фарзанддек муносабатда бўлиш, ундан нима олсак, юз ҳисса ортиғи билан қайтариш хоҳиш-иродаси кўнглимизнинг асл ниятларига айланмоғи керак.

Ўзлигимизни таниб, ҳаётимизни яна ва яна ҳам яхшилаб боришдек саодатли улуш биз учун бир неча юз йилларга таъминлаб қўйилган. Саховатнинг буюк жасурликлари эса Ватанга муҳаббат туфайли юзага келиши тайин. Зеро, Ватанга муҳаббат аввало ўз уруғи, диёри, элу элати, уларнинг урфақидаларини имкон қадар мукамалроқ билиш демакдир.

Биз ҳам шу эл фарзанди сифатида Зарафшон воҳаси ўрта бўғинида яшаб келган аجدодларимиз ҳамда замондошларимиз турмуш тарзини ўрганиш ва халқимизга етказишдек масъулиятли ишга қўл урдик. Ҳозиргача бу борада қалам тебратилиб, замондошлари ўтмишини юзага чиқариш йўлида хайрихоҳ уринишлар кўп бўлган. Аммо бўстонда ҳар гулнинг ўзига хос кўрки ва бўйи бўлгани каби ижод чамани асарларининг ҳам ўз руҳияти, ўзи айта оладиган гаплари бўлади. Иншооллоҳ, чаман саҳнида бизнинг гулларимизнинг ҳам ўз шайдолари борлигига ишонамиз.

Мазкур рисолани яратишда қимматли маслаҳатларини аямаган устозларимизга, хусусун Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Равшан Мансуровга, Ўзбекистон археология илмий текшириш институти етакчи мутахассиси, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродовга, Самарқанд вилояти «Олтин мерос» жамғармаси маъмурияти ҳамда моддий ҳомийликни ўз зиммасига олган «Зарафшон» ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари Суннат Орзиқуловларга самимий миннатдорчилигимизни билдираман.

МУАЛЛИФДАН

АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

Халқимиз орасида етти авлодни билиш анъанавий одатга айланиб келган. Шунинг билан бирга ўзи туғилиб, вояга етган юрт тарихини билиш авлодларимиз келажаги учун бузилмас пойдевордир.

Амир Темурдек буюк саркарда ҳаётидан гувоҳлик берувчи ушбу битикка эътибор қилинг: «Азизу авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, ялангоёқ билан бориб, зиёратни ўринлатдим. Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоф этмоқни одат билишган!»

Агар неча-неча юз минг йилликлар ортда қолганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, табаррук заминимизда тавоф қилинмайдиган ернинг ўзи йўқдай. Воҳамиз ҳудудидаги Қўтирбулоқ, Зирабулоқ қадимий ёдгорликлари юртимизда юз минг йиллардан буён инсон қавми яшаб келаётганлигига гувоҳлик беради. Қоратоғнинг ғарбий давоми саналмиш Қарнаб ҳудудидаги тошга солинган суратлар асрлар оша бизгача етиб келиб, воҳа жуда қадимдан аждодларимиз учун муқаддас Ватан бўлганлигини исботлаб турибди.

Авваллари қабилаларнинг шарқдан ғарбга, ғарбдан эса шарққа кўчиш жараёни жуда узоқ давом этган. Зарафшон дарёси вужудга келиб, унинг сув сатҳи кўтарила бошлагач, чорвадорун деҳқонлар ана шу ризқ улашувчи соҳил ён-бағирларида ўтроқ ҳолда яшай бошлаган. Шундай экан дастлабки фикрни аждодларимизнинг эл бўлиб танилишида муҳим ўрин тутган обиҳаёт манбаи ҳақида юритсак.

ЗАРРИН ЗАРАФШОН СЎЗЛАГАЙ

Дарё сувининг асл манбаи она диёримизнинг жанубий қисмига туташ жойлашган қардош Тожикистон тоғларидан бошланади. Булутларни кесиб тургувчи олмос чўққилардан ҳатто ёз ойининг бошларида ҳам қор аримайди. Оқсоч, сервиқор тоғлардан бошланувчи биллурдек тиниқ ирмоқ ва сойлар тошдан тошга урилганича, ўз қўшиқларини баралла айтиб, шимолий кенгликлар сари йўл олади. «Қум», «Фан» ва бошқа номлар билан аталувчи ана шу ўйноқи сойлар Жилғатол, Айний ва Панжикент заминларини ортада қолдириб, вилоятимиз ҳудудига ўтади.

Дарё суви саховатининг чеки йўқ. Уни ичсанг – беминнат, камайиб ёки шарорига дарз етиб қолмайди. Мавжлар қўшиғида эса бамисоли инсонларники каби ҳамоҳангликни ҳис этиш мумкин. Ҳаётбахшлик чизиғидан йўлга отланган Зарафшон дарёси Тайлоқ, Самарқанд, Оқдарё, Пастдарғом, Иштихон, Каттақўрғон экин далаларига жон ато этганча, жонажон туманимизнинг қуйи қисмига етиб келади.

Авваллари дарё сувининг мўллиги туфайли унинг обиҳаёти Амударёга бориб қуйилар эди. Дарё суви ўзанида сувнинг тўлиб оқиши, тошқинлар натижасида милоддан олдинги даврда Дарғом ва Нарпай каналлари вужудга келган. Ҳар иккала табиий сув ўзани воҳанинг ўрта қисмида яшовчи аҳолининг яшаши ва деҳқончилик қилиши учун айни муддао эди. Қабилалар аҳли деҳқончиликларининг бароридан келиши аввало дарё суви билан бениҳоя боғлиқ бўлган. Шу сабабли улар ризқ улашувчи дарё сувига катта ҳурмат-этиборли муносабатда эдилар. Дарёга чиқинди ташлаш ёки ифлослантириш эса гуноҳи азим саналиб келинган.

Эрамиздан авалги V-VI асрлар мобайнида Дарғом каналининг Зарафшон дарёси билан туташган манзилида ибодатхона барпо қилинган бўлиб, манбаларда аниқланишича, ушбу ибодатхона дарё шарафига қурилган. Ибодатхона коҳинлари муқаддас олов атрофида мусиқа асарлари жўрлигида дил илтижоларини Ҳақ таолога баён қилганлар. Айтишларича, Зарафшон дарёсининг Нарпай канали-

га қуйилиш манзилида ҳам шунга ўхшаш кичикроқ ибодатхона бўлган. Аммо ҳозирги кунда ундан ҳеч бир нишона сақланиб қолинмаган. Биз таъриф этаётган дарёнинг ўндан ортиқ номлари мавжуд. Даитъя, Политемит, Руди Мосаф, Водий ус Суғд, Наҳри ус Суғд, Наҳрижирт, Жон, Ҳарамком, Водий ал Қассарин, Наҳрибўй, Куҳак ва сўнги номи Зарафшондир.

Дарёнинг номи тожикчада зар-олтин ва афшон (сочувчи) сўзларининг бирикувидан ташкил топган. XVIII асрдан буён дарё ана шу ном билан аталиб келинмоқда.

Агар ёйилиб оқаётган оқим мавжларига тикилиб турсангиз, бора-бора кўнглингизда қандайдир осойиш ва соқинлик ўрнашаётганини ҳис этасиз. Сирли оҳанглар сизни дилбанд оғушида бўлган мунис она бўлиб аллалаётгандек. Шундан тўлқинлардаги куч, завқ-шавқ вужудингиз узра кўчгандай тетиклашиб, руҳланиб борасиз. Шарорлари эса ўзининг бахт соҳили аҳлига тўкинлик, ризқ-рўз тилаётган каби, қўшиқ пардаларини янада ошираверади.

ҚОРАТОҒ САДОЛАРИ

Нуроний Қоратоғ тизмалари Нарпай тумани ҳудудини қўшни Нуробод тумани далаларидан ажратиб туриши билан бирга экинзорларимиз учун кучли шамоллардан қалқон вазифасини ҳам ўтайди. Агар тоғ бағридан нигоҳ ташлангиз, Зарафшон дарёси соҳилларигача бўлган кенгликлар бу ердан кафтдек кўриниб туради. Шу туфайли ўтган нечача минг йилликлар сир-асрорларига сукут сақловчи ана шу мағрур қоялар бевосита гувоҳдир. Улус аҳли шу тоғу тошлар бағридаги хушҳаво табиат, яшилликлар, поёнсиз қизғалдоғу лозазорлар томон талпинадилар, етиб борганлар эса, кўпроқ қолиб, бетакрор табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлишни дилга туядилар. Қанотларини кенг ва мағрур ёйиб, самода айланаётган бургутларни томоша қилиш, басма-бас, маструр сайрагувчи какликлар овозини тинглаш нақадар завқли.

Агар иккала кафтингизни юзингизга тик тутиб, ҳайбатли қоялар томон ҳайқирсангиз, овозингизга жўровоз кетма-кет оҳанглар қулоқларингизни қоматга келтиради. Син-

гувчан хуш оҳангларни қайта-қайта эшитгингиз келиб, яна тилсиз қоялар сари ҳайқирасиз. Қоялар бамисоли гаплаша-ётгандек, ўша оҳангни ўзингизга қайтараверади. Садолар эса тўкис жўшқинлик бахш этиб боради.

*Таишилардан чарчадим, толдим,
Кўнглимга тоғ ишқини солдим.
Билсанг, оҳу изини олдим,
Юр, жўражон, тоққа чиқамиз!*

*Шаҳарни қўй, тор, диққинафас,
Тўйиб-тўйиб оламиз нафас.
Бургутларга қиламиз ҳавас,
Юр, жўражон, тоққа чиқамиз!*

*Какликларни қувиб бутоқдан,
Пиёз терсак «Пиёзлитов»дан.
Диллашардик шомда ўтовда,
Юр, жўражон, тоққа чиқамиз!*

*Тўшам тутиб майса, ўтларни,
Кузатамиз оқ булутларни.
Ичсак дармон қатиқ, сутларни,
Юр, жўражон, тоққа чиқамиз!*

*Сўнгра сой бўйига жўнаймиз,
Балки ўша ерда тунаймиз.
Маржон юлдузларни санаймиз,
Юр, жўражон, тоққа чиқамиз!*

Табиат қўйнида дам олишга чиққанларнинг адоғи йўқ. Назаримизда табиатнинг бу интилишларга ташналиги, пайвастлиги ҳеч қачон тўхтаб қолмаган. Зеро, баҳор ўтгач сокин жисмлар, келгуси баҳорни хушҳол кутиб яшайди. Тоғнинг Қуччи, Пиёзли ва Қизқўрғон ҳудудларида одам бемалол кириб, юра оладиган ғорлар мавжуд. Носинашта бу ғорлар, ҳайтовур, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган, деган фикр кўнгилдан ўтади. Ҳа, аслида ҳам шундай. Қанча-қанча

жангу жадаллар, қонли тўқнашувлар, ҳақ-ноҳақ асрорларни кўксига қўмиб келмоқда, бу тоғу тошлар!

Шарт-шароитнинг яхшиланиши сайин сўнги юз йилликларда воҳамизда аҳоли сони кўпая борди. Сувга қулай бошқа манзиллар ҳам ўзлаштирилиб, янги қишлоқ ва гузарлар бунёд этилган. Шу тариқа сўппайган тоғ бағирларида ҳам айни дамгача талай қишлоқлар вужудга келган. Қарғали, Чангали, Шоввоз, Тепалик, Қўчқорли, Олтиўғил, Мамай, Жарқудуқ, Северный, Каттасой, Остона бобо, Терак, Лангар, Оқтош, Шибар, Тутли, Дарайтут, Қизқўрғон сингари аҳоли масканлари ана шулар жумласидандир.

ТУПРОҚҚА ҚОРИШГАН ШАҲАРЛАР

Киши умри охирлаб қолган сайин маънос тортиб, орзулар чўққисини кўриш менга ҳам насиб этармикин, дея ўзига савол берадиган бўлади. Шунда у ўз ортидан бардам-бақувват ёшлар келаётганини, кексалик билан ёшлик ҳақиқатни кашф этиш йўлидаги узлуксиз меҳнатда қоришиб кетаганини ўйлаб тасалли топади.

Инсонлар омонат, аммо халқ барҳаётдир. Шаҳарлар, нишондор иморатлар вайрон бўлади, лекин борлиқ янги-янги нишонлар, қишлоғу шаҳарлар билан тўлиқдир. Зеро, бу дунёда ўрин алмашмайдиган боқий нарсанинг ўзи бўлганмикин?

Эл орасида бозор бўлмаган, мазор бўлмаган ер йўқ, деган ибора юради. Қадам босдикми, ер ости гувоҳ бўлган улуғворликларнинг елкасида турамиз.

Ана шундай, бир пайтлар дунё халқлари назарида бўлган, ҳозирда вайрона тепалик ҳолатига келиб қолган қурилмалар ҳақида билган ва эшитганларимизни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

РОБИНЖОН ТЕПАЛИГИ

Бу ёдгорлик шаҳар Нарпай тумани Қоракўл қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида бўлиб, шундоққина Нарпай канининг чап қирғоғида жойлашган. Шаҳарни барпо қилиш учун ҳам мудофааси, ҳам иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган жой танланган. Шаҳарнинг чап қисмида ҳукмдор яшайдиган арк, иккита оддий халқ яшайдиган шаҳристон, учта ҳунармандлар яшайдиган равотдон бўлган. Уларнинг ҳар бири баланд ва мустаҳкам мудофаа девори билан ўралиб, ортидан чуқур хандаклар қазилган.

Култепага айланган шаҳар тарихини ўрганиш борасида турли даврларда А.Ю.Якубовский, В.А.Шишкин, В.Л.Вяткин, Т.Мирғиёсов, Г.А.Пугаченкова, Ю.Ф.Буряков ва А.М.Ростацев каби қадимшунослар қидирув ишларини олиб боришган. Уларнинг аниқлашича, бу ерда дастлаб шаҳар арки бунёд қилинган ва сўнгра шаҳристон ва роботлар қурилган. Текшириш ишларини олиб борган олимлар ўртасида, Робинжон шаҳарчаси V асрларда барпо қилинган, деган хулоса олдинга сурилган. Тарих манбаларида айтилишича, 722 йил арабларга қарши курашнинг раҳбарларидан бири, суғд ҳукмдори Деваситич Робинжон атрофида қатл этилгандир.

Маълумки, I-X асрларда Суғдиёна самонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврда катта карвон йўлининг ёқасида жойлашган Робинжонда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ гуллаб яшнайти, шаҳар анча кенгайтиб, ободонлашади. Робинжон бутун Шарқда ўзининг «Робинжони» деган нафис газламаси билан машҳур бўлган. X асрда яшаб ўтган араб сайёҳи Масдусайнинг ёзишича, Робинжон халқаро бозорда қизил матодан тикилган чакмон, газламалари билан доврўқ таратган.

Робинжонни қазиш пайтида 44 дона олтин динар, бир неча юзлаб кумуш-мис тангаларнинг топилиши ҳам бу ерда савдо-сотиқнинг қанчалик ривожланганини кўрсатиб турибди. Шаҳар қолдиқларини қазиш пайтида шу нарса маълум бўлдики, бу ердаги хоналарнинг деворлари нафис, ранг-ба-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1961> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1961> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1961>